

Тазкия дарслари (139-дарс). Нафснинг давоси ва куфр



18:30 / 05.06.2021 5078

Нафс ва қалб хасталиклари икки турга тақсимланади.

Биринчиси – қалб мақомотларига зид бўлган куфр, ширк, нифоқ, риё ва бидъат каби хасталиклар.

Иккинчиси – Аллоҳнинг гўзал исмлари ила хулқланишга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишга зид бўладиган ноўрин ғазабга ўхшаш хасталиклар.

Мазкур икки турдаги хасталиклардан мусулмон инсон ҳазир бўлмоғи лозим. Шунинг учун бу хасталикларни билиш ва улардан қутулиш учун ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи айн эканини уламоларимиз таъкидлашган.

куфр

Ҳар бир банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталиklarининг энг хавфлиси куфрдир. Аслида куфр қалб учун хасталик эмас, ўлимдир. Аммо бу нарсани англаб етмагунча қалб поклиги ҳақида сўз юритишнинг ўзи қийин иш.

«Куфр» сўзи араб тилида «бир нарсани беркитиш ва тўсиш» маъносида ишлатилади. Араб тилида уруғни тупроқ билан беркитгани учун деҳқон ҳам «кофир» деб аталиши мумкин. Аммо бу ўринда «кофир» сўзининг шаръий маъноси эмас, фақат луғавий маъноси қўлланган бўлади.

Куфр икки хил маънода ишлатилади.

Биринчиси – иймоннинг зидди. Мисол учун, Аллоҳга иймон келтирди ва бут-санамларга куфр келтирди.

Иккинчиси – шукрнинг зидди. Мисол учун, «Фалончи куфрони неъмат қилди». Яъни ўзига берилган неъматга шукр келтирмади.

Иймоннинг зидди бўлган куфр жаҳаннамга олиб борувчи гуноҳдир. Шукрнинг зидди бўлган куфрни Ибн Ҳажар катта гуноҳлардан санаган.

Иймоннинг зидди бўлган куфрга мубтало бўлганлар бу дунёда аҳли китоблар, сохта динга эргашувчилар, динсизлар, муртадлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Иймоннинг зидди бўлган куфр асосий ҳисобланади ва унинг таърифларидан бири қуйидагича:

«Куфр Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсани ёки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсдан динда билиш зарур бўлганларининг баъзисини қасддан инкор қилишдир. Мана шу Аҳли сунна вал жамоа бардавом бўлган ҳақдир. Ундан бошқаси ботилдир».

Куфрнинг хатарини англаб етиш учун Қуръони Каримда унинг ёмонлиги 311дан кўп оятда зикр қилинганини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

نُودِلَاحِ اِهِيَفْ مَه رَان ل اِبْ اَخْ صَا كَيْ ل وَا اِن ت اِيْ اَبْ اُوبْ دَكَ وَا وِرَفَا كَ نِي دَل وَا

«Ва куфр келтирган ҳамда оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса – ўшалар олов соҳибларидир, улар унда мангу қолувчидирлар» (39-оят).

Яна Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

كَيْتَأْتِي السُّبُلَ الْمُؤْمِنِينَ فِي كَيْفٍ يُؤْتِيهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ
وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ
وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

«Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларга – ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – барчанинг лаънати бўлгай. Унда мангу қолувчидирлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас» (161-162-оятлар).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам куфрни қаттиқ қоралаганлар.

مَنْ كَفَرَ بِيَّ بَعْدَ إِيمَانِهِ أَوْ كَفَرَ بِوَعْدِي أَوْ كَفَرَ بِمَا نَزَّلْنَا مِنْ الْقُرْآنِ فَسَوْفَ نَسُفُّهُ نَسْفًا سَوِيًّا
كَلَّ نَاكُوتِي أَرَأَيْتُمْ لِقَائِي فَمَآيَ قَوْلَا مُوَيَّرَفَا كَلَّابُءَا جِي «لِقُوتِي نَاكُوتِي
تَنْكُوتِي دَقُوتِي لِقَائِي فَمَآيَ نَعْنُ لِقُوتِي فَمَآيَ دَقُوتِي تَنْكُوتِي أَرَأَيْتُمْ لِقَائِي فَمَآيَ نَعْنُ لِقُوتِي
نَاكُوتِي شَلَّوَتِي أَوْرُوتِي» كَلَّ دَقُوتِي نَعْنُ رَسُوتِي أَوْرُوتِي

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Қиёмат куни кофир келтирилиб, унга: «Айт-чи, агар сенинг ер тўла олтининг бўлса, ўзингни қутқариб олиш учун уни берармидинг?» дейилади. «Ҳа», дейди. «Батаҳқиқ, сендан бундан осон нарса сўралган эди», дейилади».

Икки шайх ривоят қилишган.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди